

**«Uzagrolizing»
акциядорлик жамияти**

Тошкент шаҳри, Абай кўчаси 4а уй
Х/р 20210000904021251001, АТБ «Агробанк» Тошкент шаҳар
бош амалиётлар бошқармаси, МФО 00394,
СГИР 203071206, ИФУТ 64910

**Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Аудиторлик ташкилоти: МЧЖ шаклидаги «AVANTAJ-AUDIT» аудиторлик ташкилоти.

Манзили: Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани, Тинчлик МФЙ, Зиё кўчаси 21-уй,
тел-998906104575, СГИР 207091226, ИФУТ 69202.

Банк реквизитлари: х/р 20208000204860788001, «Узсаноатқурилишбанк» Сирдарё вилоят ҳудудий филиали, МФО 00855.

Лицензия: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2010 йил 16 август кунини аудиторлик фаолиятига берилган 00719 - рақамли лицензия.

Давлат рўйхатидан ўтган: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2010 йил 26 июл кунини берилган 393 - рақамли гувоҳнома.

Аудиторлик ташкилоти бош директори Э.М.Шайзаков.

Аудиторлик текшируви аудиторлар Э.М.Шайзаков томонидан Уз.Р МВ томонидан 2009 йил 10 декабрда берилган № 04771 рақамли аудитор малака сертификатига, М.Ч.Синдаров томонидан Уз.Р МВ томонидан 2009 йил 14 июлда берилган № 04736 рақамли аудитор малака сертификатига асосан ўтказилди.

Биз «Uzagrolizing» акциядорлик жамияти ва унинг назорати остидаги хўжалик юритувчи жамиятлар гуруҳининг бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларидан иборат 2018 йил 31 декабр ҳолатидаги жамланган молиявий ҳисоботининг тузилишини аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Uzagrolizing» акциядорлик жамиятининг жамланган молиявий ҳисоботи тузилишини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг муносабатимизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, «Uzagrolizing» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 31 декабр ҳолатидаги жамланган молиявий ҳисоботи тўғри тузилган ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

«AVANTAJ-AUDIT» МЧЖ

аудиторлик ташкилоти бош директори



Аудитор:

Э.М.Шайзаков

М.Ч.Синдаров

«04» сентябрь 2019 йил